



HUDUDGAZTA' MINOT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ
№ 10255**

Тошкент 2022 йил

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "21" январь 10255 -сон Ташкент
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи
Ушбаевлар ширкати таъсисот институти
(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари директор
Ш. А. Абдураҳманов бир томондан ҳамда Низом ва 2022 йил
"5" да берилган 03-18-0434 -сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи
Қўруқсултам (газ таъминоти
ташкilotи номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари
Арипов Р иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 75000 куб.м, нархи 48500000 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	<u>75000</u>	минг куб.м,	январь	<u>25000</u>	февраль	<u>25000</u>	март	<u>25000</u>
II чорак		минг куб.м,	апрель		май		июнь	
III чорак	<u>2</u>	минг куб.м,	июль		август		сентябрь	
IV чорак	<u>2</u>	минг куб.м,	октябрь		ноябрь		декабрь	

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20__ йилда зарур бўлган табиий газнинг

минимал хажми 75000 минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар буйича куйидагиларни ташкил килди:

I чорак	<u>75000</u> минг куб.м.	январь	<u>15000</u> февраль	<u>25000</u> март
II чорак	_____ минг куб.м.	апрель	_____ май	_____ июнь
III чорак	_____ минг куб.м.	июль	_____ август	_____ сентябрь
IV чорак	_____ минг куб.м.	октябрь	_____ ноябрь	_____ декабрь

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар буйича булинган бурютномани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ хажми ойлар буйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи бурютномаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тақдирланган балансига мувофиқ ажратилган хажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навабтаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши буйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолга олтиқча олтиган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва хажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Санаят ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнғувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг сўтқаник мейёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари: 104

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

Шайхонмуродов Сул. Мамаев Сулеул 71-449-80-68

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кўрсаткичида қадар қамда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилинган кейин газ етказиб бериш дархол кискартрилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологияк иш режимида бузилганда, шунингдек, кўз-киш мавсумида иқлимий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчини олоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқида эга. Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тежор матълумотларни мунгазам алмашиши таъминлаш учун жавобгарлигини ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатта) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли даволатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзини тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТТ (газ тақсимлаш пункт), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологияк жарасини хисобга олиб, табиий газни ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ХИСОВГА ОЛИНИШИ ТАШКИЛ ЭТИШИ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси буйича аниқланади ҳамда хар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоти бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармотининг бошлангичи хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида, тегишлилиги буйича аниқланган газ тармоти бўлиниши нуқтаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Вирлик миқдори стандарт шароитда 1 м³ газ олинди: харорат 20° С, босим 101.325 кРа (760 ммНг) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ хажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари буйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитта автоматик равишда келтириладиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондалар ва мейёриларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизми (ТТХНАТ-АСКУТ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлғаш приборлари ваёки ўлғов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амаллари қондалар ва метёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлғаш приборлари ваёки ўлғов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSi 8.030:2008 "Ёқилти ва энергия. Хисобга қўйилмаган умумий талаблар", O'z DSi 8.031:2008 "Ёқилти ва энергия. Ўлғаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлғаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлғаш приборлари ваёки ўлғов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги метёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлғаш приборлари ваёки ўлғов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қисмов кўригидан ўтказилган сертификат ваёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлғаш приборлари ваёки ўлғов комплексларининг қисмов кўриктан ваёки метрологик аттестациясидан ўттиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлғаш приборлари ваёки ўлғов комплекслари эгаси газ ўлғаш приборларини қисмов кўригидан ўтказиш ваёки ўлғов комплексларини (ва унинг тарққбий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигидан метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режадаштририлган ишларнинг бир қисми сифатида (қисмов кўригидан/қалиблар, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлғаш приборларини ваёки ўлғов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ваёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келингув бўйича ва иккада томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлғаш приборларини ваёки ўлғов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги метёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режадаштририлган ишларнинг бир қисми сифатида (қисмов кўригидан/қалиблар, торайириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлғаш приборларини ваёки ўлғов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ваёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келингув бўйича ва иккада томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлғаш приборларини ваёки ўлғов комплексларини модернизация қилиш, газ уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги метёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

Ётказиб берувчининг вақилини газ ўлғаш приборлари ваёки ўлғов комплексининг эгаси чакирлади.

3.12. Газ ўлғаш приборлари ваёки ўлғов комплексларини модернизиация қилиш, газ ўлғаш приборларини алмаштириш, газни ўлғашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Ётказиб берувчи билан келиншилади.

3.13. Газнинг физик-қимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидриди) газ ўлғаш приборининг конфигурациясига киритилиди.

Газ ўлғаш приборининг эгаси газнинг физик-қимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлғаш приборини конфигурациясига киритиши таъминлайди. Ётказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-қимёвий параметрларини ўз вақтида ётказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Ётказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлғаш приборларига ваёки ўлғаш комплексининг газ ҳажминини ўлғашга таъсир қилмаган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатиш ва тегишли даволатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлигига Истеъмолчи жавобдардир.

3.15. Ётказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлғаш приборлари ваёки ўлғов комплекслари ва уларнинг тарққбий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунийлигига мувофиқ Ётказиб берувчи вақилларининг ўлғаш приборлари ваёки ўлғаш комплексларига тўсқисиз киритиши таъминлайди.

3.16. O'z DSi 8.586(1-5)-2005 бўйича ўлғов комплекси ва ўлғаш приборлари ишда фойдаланиш ҳолатлар юзата келган тақдирда O'z DSi 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлғаш қурилмаси ва ёки ўлғаш комплекси фаволийлигига руҳсатсиз арадашши ҳолатлари бундан мустафо.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолатларда тамгаланаган газдан фойдаланиш усқунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олманган ҳолда газ истеъмолчи – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган қундан аниқланган қунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охириги хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган қундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тақдирловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб даврдан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қисмов кўригидан ўтказиш учун ечилиганда – ҳисобга олиш прибори ечилиш қундан "Ўзстандарт" агентлигидан қисловдан ўтказиш, сертификат олинниб жойига ўрнатирилган қунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қислов кўригидан ўтказиш ваёки ўлғов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш мудлати тутилганда – қислов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш мудлати тутилган қундан қислов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилиш қунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлғов комплексининг қисмларига ўрнатирилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташқилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган қунгача бўлган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчилик ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташқилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган қунгача бўлган вақтга;

з) газни тарққтиш тармоқларининг технологик режимиини бузилган газ қувурларида ёки ТПларда асбоб-усқуналар ўрнатирилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташқилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган қунгача бўлган вақтга;

и) Газ ҳисоблаш усқунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташқи

таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво мuddатидан олтик бўлмаган мuddатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сақланган архив мавжудларини йўқотиш, газ ўлчами автоматлаштирилган тизимдан хисобот ойда мавжудлар олинш нисбати бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналлардан олинган мавжудлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив мавжудлар мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ хажмлари тўғрисидаги мавжудлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган мавжудлардан олинган);

л) газ истеъмоли хажмлари хисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозлардан фойдаланилган газ учун хисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан, хатлов даволатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб қўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштиримасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қўрилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ аниқлашнинг ўрнатиб олиб фойдаланиётганлиги факти бўйича асосланган) хужжатлар мавжуд бўлганда) - бир хисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг хисобга олиш прибори газ хажмининг пастки чегараси остидан сарфлаганда, газ хажми хисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг метрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовнинг пастки чегарасида олинган.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилган газ хажмининг нишончилиги таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларини ишлаши бўзилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "ўзастадарт" адегитли бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказилган учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилган талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар хисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки хисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатилган асбоб-ускуналарни ишлаш графинини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб таямланганини таямиллаши шарт.

3.21. Хисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта хисоб-китоблар охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSI 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ

АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мажбур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи хисоб-китоб қилиш даври бошланишидан қамда 5 кун олдин Етказиб берувчининг хисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ хажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Хисоб-китоб даври бошланишидан қамда 5 кун олдин хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хохилини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга оширилган даври кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида хисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирти тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар хисоб-китоб даври бошланишидан қамда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг хисоб рақамига табиий газ етказиб берилган тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ хажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорда олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ хажми учун якуний хисоб-китоб хисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар хисоб-китоб қилиш ойна тулагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний хисоб-китобни амалга оширилади.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб берилган шартномада кўрсатилганидан хажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда хисобга олинган.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп хажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги хажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда хисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созланиши мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ хажмининг ўрнатилган газ асбоб-ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича хисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги хажмлардан ортиқ хажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобга ўтказилган маблағлари Истеъмолчининг хабардор қилган ҳолда қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган мuddатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи мuddати ўтган ҳар бир кун учун мuddати ўтган тўлов

суммасын 0,4 фонзи миклорда, локни мулдати ўтган тўлов суммасынинг 50 фонзидан олмайдиغان миқдорда पेия тўлайди.

4.12. Хисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ хажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларини ёзиб олиш (ТТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган мезфрлар бўйича хисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизмига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойн учун газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасига асосан истеъмолчига электрон хисобаврақ-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидати хисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини тавминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш даволатномаси Истеъмолчида куйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив мавжудотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этилганган, Истеъмолчининг бўлиниш четарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг хажми тўғрисидаги даволатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнаинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойн учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасига асосан электрон хисобаврақ-фактураи қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчинини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озол қилмайди. Уятилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон даволатномада норозилик сабабларини мажбурый акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойн тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг даволатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларини учдириш Етказиб берувчи томонидан қонулда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб куйилганидан сўнг ўзбошимччилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ хажми ва унинг қиймати газ узиб куйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасынинг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши хисобланади аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақдаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор

қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонулда белгиланган тартибда кўчга киртилган сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг авани тарихида тўланган хажми учун тўлов қунидан бошлаб кўли билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озол қилинади.

У. ХУКУМБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18-бандда кўрсатиб ўтилган хукумбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланганган ва икки нусxada тўзилганган даволатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган даволатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ хажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) учдириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатишган ҳолатларда газ хажми қийматининг учдирилиши Истеъмолчидан қонунийликда белгиланган жавобгарликдан озол қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ КЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида куйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳақда ушбу ҳолатларнинг бартариф этилушига қадар газ тармоқларидан узиб куйилади:

- шартноманин мажбуриятлар бажарилмаганда;

- Етказиб берувчи вакиллариини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш қурималарини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги нагжаасида қарздорлик мавжуд бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга старли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;

- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтьгазиспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

- хисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни хисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш.

- Газдан фойдаланиш қомдаларига энд равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёқуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши нагжаасида етказилган молдий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз имкамасига олмайди.

6.2. Тармоққа қайта уланганда амалдаги қонунийликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий хисоблаш миқдорининг ўн баравари миқлорда ҳақ учдирилади. Шартноманинг 13.1-бандида кўрсатишган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРИНИНГ ХУСУСЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-триклаш;

- газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланishiларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларини, электрон маълумотларининг барча параметрларини қамқида уч йил мобайнида ўзига сақлашнинг тизимлиши;

- шартноманиннг 3.17. ва 4.18.-бандларида кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилуғини қадар табиий газ таъминотини кўшичча олоҳланттиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмоли қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тароҳ қилинганлиги тўғрисида хукукни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар таъни етказиб бериш;

- қонунида назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақлимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларининг яқини газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сезиб чикишида — дарҳол;

- омакат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- исонқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи қонунийликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги хукукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилиш ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларида руҳсатсиз уланishi ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқдан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этилиши талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечириш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзата келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни олоҳланттирмастан ҳамда зудлик билан хабардор қилиш ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондабу заррликлар бартараф этилуғини қадар аввалдан олоҳланттирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- ҳисобот оида табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмингташтириш учун ҳар ойнинг 5-санасигага Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақлим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жикатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сезиб чикиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташиқлотни диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари даҳисезлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланishiларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарини мунтазам равишда кўздан кечириб чикиш;

- газ таъминоти ташиқлотлари газ тармоқларига сертифициқланмаган, газлаштириш дойиҳасига (ПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланishiга йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва “ўзнефтьгазспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмоли қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини қунининг исгалган вақтда эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригтадалар ёки ходим ёрдамчида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари қўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлагига тўскилик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларининг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташиқлотини ўзи учун қудай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат

қилишнинг автоматлаштирилган (ТТХНАТ-АСКУ) тизмига ўланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилиши.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлаганининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиши;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида ривож қилган ҳолда ўзатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси беқор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариши;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама беқор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатишда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБДОРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш уқуқнасини руҳсатсиз ўлаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;

д) мажкур шартноманинг 2.5. ва 6.1 бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микроининг ўн баробаридан ўн беш баравари микроорида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Конуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киши даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоқидан ўзиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микроорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микроорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микроорида пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муددатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микроорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микроорида пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги конун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни талбиқ этилишини ифодалайди ва қафолаб қилади.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мажкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолаб қилади ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муددати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки ваки сифатида ҳарқат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қондаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзата келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш қорхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида қўтилмаган авария вазиятлари юзата келганда, шунингдек енгил бўлмас қушлар туфайли солир бўлган табиий офатлар, ҳуСУсан, сел, ёқитир, сув тошқини, ёнғин чиқилиши, ер қимирлиши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда

Хукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш нақони бўлмади холларида жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлади.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзаса келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келтириб чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилади.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон қарорига асосан Ҳазратчилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кўчга қиради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабрда бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тулганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили 15.12. йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича дарвоғлари дарво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июлдаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусxada тузилган, иккаси нусхаси ҳам бир ҳил юридик кўчга эга.

ТОМОНЛАРИНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЎТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Хулдўлғазтарминот» АЖ	«ИСТЕРМОЛЧИ» ИСТЕРМОЛЧИ
Манзил: Тошкент вилояти Яқкасарой тумани, Бобур кўчаси 59	Почта манзили: (бюджет ташкилотлари, ҳужалик юртурувчи субъектлар номи)
Тел./факс: х/р: 22	ОКПО коди 05951510 ОКЭД 72190 Мулоқот телефони 41-249-80-68
Банк номи: « »	Фаз./х 23402000300100001010 Банк номи: ДҚБ ГУИ5 2. Ширевекеве
Рақат филиали ИНН: ОКЭД:	МФО 00004 ИНН 80182919 ИНН: 800898000
Рахбар: _____	х/р 10001086006277000010340001 Шайхонмуродов Шайхон
Имзоси: _____	Рахбар: Ш. Шайхонмуродов (Ҳазратчилик бўлимидаги номи)
	

Юридик маслаҳатчи
хулосаси: _____
25.01.2022

_____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо, муҳр) _____ (сана)

